
ЎЗЎВОНДА ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Ўзёвонлик мард ва танги деҳқонлар 2022 йилда кўп ва хўп яхши натижаларга эришдилар. Ғалладан 100 центнергача, пахтадан 50 центнердан ошириб ҳосил олган талайгина фермерлар бор.

«Ўктамобод» мажмуасида туман ҳокимлиги ташаббуси ва «POSCO Интернационал Текстиле» кластери ҳомийлигида Ҳосил байрами ташкилланди. Байрам аввалида юртимиз нурунийлари сийланди. Отагонлар юрт тинчлиги, деҳқончиликларимизга мўл-кўлчилик тилашиб, дуолар қилдилар. Кластер томонидан қурилаётган саноат корхоналари элимизга хизмат қилишини тилашди.

Тадбирда туман ҳокими Дилшоджон Джалилов иштирокчиларни ҳосил байрами билан самимий табриклади. Бу йилги эрилшилган салмоқли натижаларда барча-барча- фермерлар, механизаторлар, мутахассис, сувчиларнинг ҳиссалари борлигини таъкидлаб, миннатдорчилик билдирди.

Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Алибек Турсунов, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Мирзобедил Назаров ўзёвонликларни байрам билан қутлашди.

Кластер раҳбари жаноб Жонг Сунг Хо ўз сўзида Ўзёвон фермерлари билан ҳамкорлик қилишдан хурсанд эканлигини айтиб, ҳосил байрами билан табриклади.

Тадбир совғаларга бой бўлди. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва фермерларга қимматбаҳо совғалар, кўкрак нишонлари топширилди. «Фар Зулфиқор» ва «Гуллола пошшо Дилмуродовна» фермер хўжалиги эгаларига Умра зиёрати сертификати берилди.

Ҳосил байрамини таниқли хонанда Отабек Муҳаммадзоҳид қизитди.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-12-15 14:33:28